**9-сонли шартнома**

Лойиха–смета хужжатлари тайёрлаш хақида

«16» Май 2022 йил. Фарғона шахри

**«Интеграл Лойиха Курилиш» кичик корхонаси** раҳбари **– А.Рузиматов «БАЖАРУВЧИ»** деб аталувчи бир томондан, **Олтиариқ туман Халқ таълим бўлими «БУЮРТМАЧИ»** деб аталувчи иккинчи томондан мудири – **М.Тешабоев** қуйидаги мазмунда шартнома туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. **«БАЖАРУВЧИ», «БУЮРТМАЧИ»** нинг топшириғи бўйича лойиха смета хужжатларини тайёрлаш мажбурятини олади.
1.2. «**БУЮРТМАЧИ»** лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш учун топшириқ бериш, лойиха-смета хужжатларини тузиш учун зарур бўлган бошланғич маълумотларни бериш ва пудратчи томонидан бажарилган ишларни қабул қилиб олиш хамда шартноманинг 2.1.-бандларида белгиланган тартибда ва миқдорида хақини тўлаш мажбуриятини олади.

Лойихалаш жойи: **Олтиариқ тумани 1-мактаб биноларини жорий таъмирлаш учун лойиха - смета ва экспертиза хужжатларини тайёрлаш**

## 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ.

2.1. Шартнома бахоси **11 000 000** сўм **(Ўн бир миллион)** сўм

**(Экспертиза хулосаси билан)**

2.2. Шартнома бахосини 30 % олдиндан туланади.

## 3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов қуйидаги тартибда амалга оширилади: Берилган ишларни тўла бажарилиши
3.2. Тўлов шакли: пул ўтказиш йўли билан
3.3. Шартнома бўйича сўнги хисоб-китоб ишлари қабул қилиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддати хисобга олинган холда, «**БУЮРТМАЧИ»** томонидан тўлов амалга оширилади.
3.4. Буюртмачи, бажарувчига бажарилган иши (лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш) учун шартноманинг 2-банди асосида келишилган маблағни ўтказиб беради.

## 4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

4.1. Бажарувчи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиш ишларини «**БУЮРТМАЧИ»** берган топшириқда белгиланган муддатларда бажаради.
4.2. Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ишларининг натижалари тарафларнинг ваколатли ходимлари томонидан имзоланадиган ва мухрлари билан тасдиқланадиган топшириқ қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.
4.3. Шартноманинг амал қилиш муддати:

Бошланиши: «16» Май 2022 йил

Тугаши: «31» декабр 2022 йил

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

Бажарувчининг мажбуриятлари:

5.1. Лойихалаш хақидаги топшириққа ва бошқа натижасини шартноманинг 1-иловасида белгиланган муддатда **"БУЮРТМАЧИ"** га топшириш.

5.2. **"БУЮРТМАЧИ"**нинг розилигисиз лойиха-смета хужжатларни учинчи шахсга бермаслик.

**Буюртмачининг мажбуриятлари:**

5.3. Бажарувчидан олинган лойиха-смета хужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш.

5.4. Шартномада белгиланган миқдорда шартномани 1.1-бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва бажарилганлик учун **Бажарувчига** хақ тўлаш;

5.5. **Бажарувчига** боғлиқ бўлмаган холатлар сабабли лойиха ишларни бажариш учун бошланғич маълумотлар ўзгариши билан боғлиқ қўшимча ҳаражатларни **Бажарувчига** топшириш.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Бажарувчи ишларни бажаришда, хизмат курсатиш да олган мажбуриятларини бузганлиги учун : Буюртмачига ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг ижро этилмаи қолган қисмининг 0,4 % фоиз хажмида жарима туланади. Аммо бунда бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоиздан ортиб кетмаслиги керак. Пеня тулаш шартнома мажбуриятини -олган томонни кечиктириб бажарган иши ёки курсатган хизмати оқибатида келтирилган зарарни коплашдан озод этмайди.

6.2. Буюртмачи олган мажбуриятини бузганлиги учун мазкур шартноманинг 5.4.-моддасига асосан - Буюртмачига .ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг ижро этилмай қолган қисмининг 0,4 % фоиз хажмида жарима тўлайди. Аммо бунда, бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган .хизматнинг 50 фоиздан ортиб кетмаслиги керак.

6.3. Мазкур шарнома билан назарда тутилмаган тарфларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ хал қилинади.

## 7. ФОРС-МАЖОР.

Таърафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган фавқулодда· холатлар енгиб бўлмас куч (табий офатлар, ер қимирлаши, сув босиши, ёнғин ва бошқа холатлар) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик учун тарафлардан биронтаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

Ушбу шартном буйича ёки у билан боғлиқ холда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ўзаро музокара, келишув орқали хал қилинади. Агар тарафлар келиша олмасалар иктисодий судида хал этилади.

## 9. ШАРТНОМАНИ УЗАЙТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ.

9.1. Ушбу шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли. шахслари томонидан имзоланган тақдирда хақиқий хисобланади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёкиЎзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра хал этилади.

9.3. Буюртмачи қуйидаги холларда шартномани бекор қилишга хақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши кечикса ва ишларнинг тугатишнинг

шартномада белгиланган муддати 10 кундан ошиқ муддатга кечиктирилса;

-Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари **"БУЮРТМАЧИ"** томонидан 15 дан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойихалаш ишларининг хақини тўлаш имкониятига эга булмаса.

9.4. Шартномани бекор қилиш хақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин билдиришнома юбориши шарт.

## 10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари **«БУЮРТМАЧИ»** ва Бажарувчининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.2. Ушбу шартнома уч нусхада тузилган бўлиб, уч нусхада хам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.3. Ушбу шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади.

10.4. Тарафларнинг келишуви бўйича бошқа шартлар: Шартнома 31.12.2022йилгача Газначилик бошкармасидан руйхатдан утгандан сунг амал килади

## ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

**«БУЮРТМАЧИ»**

Халқ таълими бўлими
Олтиариқ тумани
Х/Р 4017222860302037092100075005
ИНН 200174664 . МФО 00014
Молия вазирлиги Ғазначилик
Ҳ/Р 23402000300100001010
МФО 00014 ИНН 201122919

Раҳбар М. Тешабоев

**«БАЖАРУВЧИ»**

«Интеграл лойиха қурилиш» к.к
712000 Фарғона шаҳри
Ал-Фаргоний/Мустакиллик 37Б/27/7
Х/р: 20208000404618523001
МФО: 00498; ИНН: 206784219
ОКОНХ: 66000
«Туронбанк» АТБ Фарғона филиали

Директор: ____________ **А.Рузиматов**

.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: GT1762413218

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№ CW75215161

1.Loyihaning turi: Shartnoma

2.Loyihaning nomi:

"Integral liyixa qurilish" kichik korxonasi bilan Oltiariq tumani xalq ta'limi bo'limi o'rtasida 11.000.000 so'm miqdordagi xizmat ko'rsatish to'g'risidagi shartnoma.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Shartnoma loyihasi Oltiariq tumani xalq ta'limi bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022 yil 11-may kuni kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga va O'zbekiston Respublikasi fuqarolik kodeksi hamda xo'jalik yurituvchi subeklar shartnomaviy huquqiy bazasi talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tasdiqlab, ijroga qaratish mumkin.

**Markaz bosh yuriskonsulti** **A.Shokirov**

**2022 yil 16-may**